

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛИЛОВ ЖАМШИД ҒАНИЖОНОВИЧ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА**  
**МОТИВАЦИЯ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 –Маркетинг (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Жалилов Жамшид Ганижонович**

Саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан  
фойдаланишни такомиллаштириш ..... 3

**Жалилов Жамшид Ганижонович**

Совершенствование использования мотивационных методов в  
маркетинговой деятельности промышленных предприятий ..... 23

**Jalilov Jamshid Ganijonovich**

Improving of the usage of motivational methods in the marketing  
activity of industrial enterprises ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛИЛОВ ЖАМШИД ҒАНИЖОНОВИЧ**

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА**  
**МОТИВАЦИЯ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 –Маркетинг (иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида /B2018.3.PhD/Iqt 300 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziyounet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашходжаева Шахноза Джасуровна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бекмуродов Адхам Шарипович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Хошимов Ақром Абдиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.1.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси)

**Б.Ю.Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**М.А.Маҳкамова**

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ривожланган мамлакатлар бозорларида тўқимачилик ва енгил саноат товарларига талабнинг ўзгариш тенденциялари ушбу тармоқнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди. Жаҳонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қиймати 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 4,2 фоизга кўпайиб, 296,1 млрд АҚШ долларини ташкил қилган, шу жумладан кийим маҳсулотлари экспорти қиймати 2,8 фоизга кўпайиб, 454 млрд АҚШ долларини ташкил қилган<sup>1</sup>. Жаҳон тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари бозорида ривожланган мамлакатларга нисбатан Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларнинг иштироки ва бозор улуши ошиб бориши кузатилмоқда. 2017 йилда жаҳонда Осиё мамлакатларининг улуши тўқимачилик маҳсулотлари 52% дан юқори, кийим маҳсулотлари 54,8% дан юқорини ташкил қилган<sup>2</sup>. Осиё мамлакатларида меҳнат сифими юқори бўлган енгил саноатини янада ривожлантириш замонавий маркетинг ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Жаҳон амалиётида енгил саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларида самарали фойдаланишга қаратилган қатор муаммоларнинг ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар амалга оширилган. Хусусан, енгил саноат корхоналарида инновацион маркетинг тизимини жорий этиш, истеъмолчиларнинг харид фаоллигини оширишда мотивация усулларида самарали фойдаланиш, электрон ва мобиль савдони ривожлантириш орқали истеъмолчиларнинг харид фаоллигини ошириш, маҳсулотлар брендини яратиш орқали истеъмолчиларнинг харидга йўналган мотивациясини тадқиқ этиш бўйича кенг кўламли изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар шароитида енгил саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, бозор талабларига мос ва экспортбоп енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>3</sup> билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш республикамиз енгил

<sup>1</sup>Sheng Lu. WTO Reports World Textile and Apparel Trade in 2017. University of Delaware.USA.2018. www.just-style.com.

<sup>2</sup>Sheng Lu. World Textile and Apparel Trade: Five Critical Patterns. University of Delaware. USA. 2017. www.just-style.com.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. www.lex.uz

саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон Фармонлари ва 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2687-сон қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация мавзуси Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик-ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маркетинг фаолиятида мотивация усуллари, воситалари, маркетинг ва менежментнинг долзарб устувор йўналишларидан бири сифатида ўрганилиб келинмоқда. Хорижлик олимлардан Ж.Ж.Ламбен, Ф. Котлер, М. Соломон, Д. И. Хокинс<sup>4</sup> ва бошқалар ўзларининг маркетингга оид асарларида мотивация тизими, унинг тамойиллари ва механизмларини асослаш бўйича ўз илмий изланишларини олиб борган.

Маркетинг муаммолари, мотивация усуллари ва тамойилларининг илмий-амалий жиҳатлари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Е.П. Голубков, Г.Л. Багиев, А.П. Панкрухин, А.А. Козырев, Е.П. Ильинларнинг<sup>5</sup> тадқиқот ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонда саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланишнинг умумий жиҳатлари А.Ш. Бекмуродов, А.А. Фаттахов, А. Солиев, Г.Н. Ахунова, Ё. К. Қориева, Ж.Ж. Жалолов, И.И. Иватов, М. А. Икрамов, М.Р. Болтабоев, М.С. Қосимова, М. Шарифхўжаев, Н.Қ. Йўлдошев, С. Салимов, Ш.Дж. Эргашходжаева<sup>6</sup> ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида кўриб ўтилган.

---

<sup>4</sup> Ламбен Ж.Ж., Шулинг И., Касерес Р. Ч. Менеджмент, ориентированный на рынок / Перев. с англ. под ред. В. Б. Колчанова. - СПб.: Питер, 2017. - 927 е.; Philip Kotler and Kevin Lane Keller. Marketing Management, 15th edition. Pearson Education, Inc. U.K.2016. 28pg; Michael R. Solomon. Consumer Behavior: Buying, Having, and Being (12th Edition). Pearson Education Limited, USA 2017. 624 pages. pp172-174; Consumer behavior: building marketing strategy / Del I. Hawkins, David L. Mothersbaugh. 12th ed. USA.: McGraw-Hill/Irwin, New York, 2013, pg 772

<sup>5</sup> Голубков, Е. П. Маркетинг для профессионалов: практический курс. - М. : Изд-во Юрайт, 2016.-474 с.; Багиев Г. Л., Кетова И.П.. Маркетинг в отраслях и сферах деятельности. - СПб.: Астерион, 2016. - 340 с.; «Маркетинг»/ А. П. Панкрухин. – 6\_е изд., стер. – М. : Изд-во «Омега\_Л», 2009. – 656 с.; Мотивация потребителей / Козырев А. А. - СПб. : Изд-во Михайлова, 2003 (ГИПК Лениздат). - 383 с.; Ильин Е.П. Мотивация и мотивы – СПб.: Питер, 2011. – 512 с.

<sup>6</sup> Bekmurodov A.Sh. va boshqalar. Strategik marketing: O`quv qo`llanma. –Т.: TDIU, 2010.; Фаттоҳов А.А.

Бироқ, тўқимачилик саноат корхоналарининг маркетинг фаолиятида истеъмолчилар талабини оширишда мотивация усулларини қўллаш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган, бу борада кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу боисдан тўқимачилик саноати корхоналарида истеъмолчиларнинг талабини янада оширишда мотивация усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-А2-050 рақамли «Енгил саноат корхоналарининг маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳаси (2017-2018 йиллар) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

маркетингда мотивация ва мотивация усулларининг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

хорижий ва миллий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида мотивация усулларини енгил саноат корхоналари маркетинг фаолиятида қўллаш имкониятларини аниқлаш;

саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

енгил саноат корхоналар маркетинг фаолиятида воситачиларга йўналтирилган мотивация усулларини гуруҳлаш, улардан фойдаланиш ҳолатига баҳо бериш ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

енгил саноат корхоналари маҳсулотларининг истеъмолчиларига йўналтирилган мотивация усулларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

енгил саноат маҳсулотлари истеъмолчиларни мотивациялашда тармоқли бизнесдан ва кўп каналли маркетингдан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

енгил саноат корхоналар маҳсулотлари истеъмолчиларини мотивациялаш асосида самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатишдан иборат.

---

Стратегии маркетинга в оптовой торговле и пути повышения её эффективности. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Т.: 2004. – 42 с; Солиев А. Маркетинг, бозоршунослик. – Т.: Адолат, 2008. – 237 б; Икромов М.А., Абдухалилова Л.Т.,Набиева Н.М. Маркетинг тадқиқотлари. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2017. - 145 б.; Балтабоев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: ТДИУ, 2005.; Jalolov J.J., Axmedov I.A., Notamov I.S., Azlarova D.A. Marketing tadqiqotlari. O'quv qo'llanma.-Т.: ТДИУ,2012; Қосимова М.С. ва бошқ. Маркетинг: -Т.:ТДИУ. 2012й.; Yo'ldoshev N.Q., Azlarova M.M., Xo'djamuratova G.Y. Menejment va marketing asoslari. O'quv qo'llanma. – Т.: ТДИУ, 2013 у. – 256 б.; Salimov S.A. Marketingni boshqarish. Darslik. -Т.:»Aloqachi» 2010 у., 252 bet; Эргашходжаева Ш.Дж. Маркетингни бошқариш. Дарслик.–Т.:ТДИУ, 2017.-338 б.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилоятидаги енгил саноат корхоналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, енгил саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар ҳисобланади

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда назарий мушоҳада, илмий абстракция, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил, математик ва статистик гуруҳлаш, танлаб текшириш, корреляцион-регрессион таҳлил, дисперсион таҳлил, омиллар таҳлили, тизимли тенгламалар модели, сўров, танланма кузатув усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

енгил саноат корхоналарида фаолият юритувчи маркетингларни самарали ишлашга ундайдиган моддий мотивация усули маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш, янги мижозлар сонини кўпайтириш ва мижозларнинг қониқиш даражасини ошириш кўрсаткичлари асосида такомиллаштирилган;

енгил саноат корхоналари маҳсулотларини сотиб олувчи воситачиларга йўналтирилган молиявий мотивация усули «ваучер», харид ҳажмига нисбатан дифференциалланган пул мукофотлари ва ютуқли акциялар тақдим қилиш асосида такомиллаштирилган;

истеъмолчиларни харид фаоллигини оширишга ундовчи иқтисодий мотивация усули «сотиш ҳажмини ошириш учун ақлли ғоя» ҳамда «ақлли истеъмолчилар» рағбатлантирувчи маркетинг дастури асосида такомиллаштирилган;

енгил саноат корхоналари маҳсулотлари сотиш ҳажмини ошириш тармоқли маркетингнинг интенсив, эксклюзив ҳамда сайланма сотиш каналларидан самарали фойдаланиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

енгил саноат корхоналар маркетингларига қўлланиладиган моддий рағбатлантирувчи мотивация тизими таклиф этилган;

енгил саноат корхоналарида воситачиларга қўлланиладиган молиявий омилларни ўз ичига олувчи мотивация усули ишлаб чиқилган;

енгил саноат маҳсулотлари истеъмолчиларига йўналтирилган иқтисодий ҳамда коммуникацион ривожлантириш мотивация усуллари такомиллаштирилган;

енгил саноат корхоналари маҳсулотларни сотишда тармоқли маркетингнинг интенсив, эксклюзив ҳамда сайланма сотиш каналларидан самарали фойдаланиш асосида сотув ҳажми ошиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Бухоро вилояти статистика бошқармаси, корхоналар статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг маркетинг тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти енгил саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усуллари тўғрисидаги назарий билимлар доирасини кенгайтиради. Тадқиқот натижалари, шунингдек, тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш ҳамда экспортга маҳсулотлар сотиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва истеъмолчиларни рағбатлантириш тизимини мотивация усуллари асосида модернизация қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти енгил саноат корхоналар маркетинг-ходимларига йўналтирилган мотивация усуллари, уларни янада самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилади. Воситачиларга йўналтирилган мотивация усуллари енгил саноат корхоналарининг ички ва ташқи бозордаги мавқеини оширишга хизмат қилади. Енгил саноат маҳсулотлари истеъмолчиларига йўналтирилган мотивация усуллари эса енгил саноат корхоналарининг маркетинг фаолиятини самарали ташкил қилишда ва бошқаришда фойдаланиш мумкин. Диссертацияни илмий хулосалари ва натижаларидан олий таълим муассасаларида «Маркетинг», «Маркетингни бошқариш», «Истеъмолчи хулқ-атвори» фанларидан ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда ва уларнинг ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуаларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат корхоналари маркетинг фаолиятида мотивация усулларида фойдаланишни такомиллаштириш асосида:

енгил саноат корхоналарида фаолият юритувчи маркетингларни самарали ишлашга ундайдиган, маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш, янги мижозлар сонини кўпайтириш ва мижозларнинг қониқиш даражасини ошириш индикаторлари асосида такомиллаштирилган моддий мотивация усули «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 19 апрелдаги ДМ-171-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги «Шофиркон Экваториал Текс» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига жорий қилинган ва корхонанинг маҳсулот сотиш ҳажми 2018 йилнинг биринчи чорагида 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 7,1 фоизга ошиши таъминланган;

енгил саноат корхоналари маҳсулотларини сотиб олувчи воситачиларга йўналтирилган, «ваучер», харид ҳажмига нисбатан дифференциалланган пул мукофотлари ва ютуқли акциялар тақдим қилиш асосида такомиллаштирилган молиявий мотивация усули «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 19 апрелдаги ДМ-171-сон маълумотномаси). Мазкур мотивация усули «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги «Мергантекс» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига жорий қилинган ва корхонанинг маҳсулот сотиш ҳажми 2018 йилнинг биринчи чорагида 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 12 фоизга ошиши таъминланган;

истеъмолчиларни харид фаоллигини оширишга ундовчи «сотиш ҳажмини ошириш учун ақли ғоя» ҳамда «ақли истеъмолчилар» рағбатлантирувчи маркетинг дастури асосида такомиллаштирилган иқтисодий мотивация усули «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 19 апрелдаги ДМ-171-сон маълумотномаси). Ушбу мотивация усули «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшма таркибидаги «Vuxoro comfort tekstil» масъулияти чекланган жамияти фаолиятига жорий қилинган ва маҳсулот сотиш ҳажми 2018 йилнинг биринчи чорагида 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 8,5 фоизга ошиши таъминланган;

енгил саноат корхоналари маҳсулотлари сотиш ҳажмини оширишда тармоқли маркетингнинг интенсив, эксклюзив ҳамда сайланма сотиш каналларидан самарали фойдаланиш бўйича берилган таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 19 апрелдаги ДМ-171-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги «Sharofat invest teks» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолиятига жорий қилинган ва 2018 йилнинг биринчи чорагида 7,8 минг АҚШ доллари миқдорида қўшимча маҳсулот экспорт қилиниши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шу жумладан, 7 та маҳаллий журналларда, 5 та халқаро журналларда мақола, 22 та маъруза тезислари чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 144 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналарининг маркетинг фаолиятида мотивация усулларида фойдаланишнинг илмий-методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида мотивация тушунчасининг маркетинг нуқтаи назардан ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиқ берилган. Мотивация ва мотивация усуллари саноат корхоналари маркетинг фаолиятида қўллаш

бўйича хорижий тажрибалари ўрганилган ва уларни саноат корхоналари маркетинг фаолиятида қўллаш имкониятлари очиб берилган

Маркетингда мотивация тушунчасини хорижий ва маҳаллий олимлар фикрлари таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан мотивацияга маркетингда кенг қамровли ёндашув шакллантирилди, яъни мотивация – бу хўжалик юритувчи субъект ёки истеъмолчи томонидан ўзининг ички ва ташқи муҳитлари манфаатларини, унинг мақсадларига эришишни таъминлашга ундайдиган, рағбатлантирадиган ва эҳтиёжларни уйғотадиган кучларнинг фаол жараёнидир. Мотивация усуллари - бу алоҳида шахс ва шахслар гуруҳларини маълум мақсадли ҳаракатга келишга ундаш, рағбатлантириш омиллари ҳамда дастаклари йиғиндисидир.

Тадқиқотда энгил саноат корхоналари маҳсулотлари истеъмолчиларининг харидга йўналтирилган мотивациялари тўғрисидаги хорижий ва ўзбек олимлари назарий қарашлари ўрганиб чиқилди.

Ушбу қарашлардан келиб чиқиб, бизнингча, инсоннинг энгил саноат маҳсулотлари харидига ундовчи мотивациясини ташкил этувчилари учта асосий компонентдан иборат:

а) инсоннинг физиологик ва психологик ҳолатидан келиб чиқадиган ва унда азалдан мавжуд бўлган, инсоннинг ҳаётида амалда мавжудлигини ва ривожланишини тақозо қиладиган омиллар. Бу омилларга, кишилардаги энгил саноат маҳсулотларини сотиб олишга бўлган мойиллиги (майл), қизиқишлари, манфаатлари, эҳтиёжлари ва ниҳоят мотивлари кабилар киради;

б) инсонларнинг ҳатти-ҳаракатини маълум йўналишга ўзгартирадиган, уларнинг эҳтиёжлари орқали мотивларига таъсир этадиган омиллар. Бу омиллар инсонни энгил саноат маҳсулотларини сотиб олишга бўлган табиий ташқи таъсир этувчи омиллари киради.

в) инсонларни энгил саноат маҳсулотларини сотиб олишга ундайдиган ишлаб чиқарувчилар томонидан сарфланадиган ресурслар, қобилиятлар, усуллар.

Тадқиқотда хорижий мамлакатлар ҳамда ўзбек олимлари тадқиқотларини инобатга олган ҳолда энгил саноат маҳсулотлари истеъмолчиларининг харидга йўналтирилган мотивацияларини қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

завқланишга интилиш мотивацияси;

нафлиликка интилиш мотивацияси;

ижтимоий мотивация.

Тадқиқот натижалари бўйича инсонларни энгил саноат маҳсулотларни сотиб олишга ундайдиган ишлаб чиқарувчилар томонидан қўлланиладиган мотивация усуллари учта катта гуруҳга бўлинди.

1-гуруҳ мотивация усуллари энгил саноат корхоналарида маркетингларга йўналтирилган бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

руҳий – ғоявий мотивация усули;

хулқ-атворли мотивация усул;

моддий мотивация усули;

шахсий ва касбий ривожлантириш мотивация усули (карьера);  
маъмурий мотивация усули.

2-гурӯх мотивация усуллари энгил саноат маҳсулотларини харид қилувчи воситачиларга йўналтирилган бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

хулқ-атворли ва коммуникацион ривожлантириш мотивация усули;  
молиявий мотивация усули;  
сифатли хизмат кўрсатиш мотивация усули.

3-гурӯх мотивация усуллари энгил саноат маҳсулотлар истеъмолчиларига йўналтирилган бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

руҳий ва хулқ-атворли мотивация усули;  
сотишни ташкил этиш мотивация усули;  
қарор қабул қилишда иштирок этириш мотивация усули;  
иқтисодий мотивация усули;  
коммуникацион ривожлантириш мотивация усули.

Тадқиқотнинг «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналарнинг маркетинг фаолиятида мотивация усулларида фойдаланиш ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган энгил саноат корхоналарининг вилоят иқтисодиётидаги ўрни, ривожланиш тенденциялари ва уларнинг маркетинг фаолиятида мотивация усулларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари асосланган.

Энгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчиларининг харидга йўналтирилган мотивациясини баҳолашнинг ўзига хос услублари таклиф этилган.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинди (1-жадвал).

Энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши йил сайин камайиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Бунинг асосий сабаби вилоятда бошқа тармоқлар ҳам энгил саноатдан ҳам жадал ривожланиб бормоқда.


Халқ истеъмол товарлари аҳоли фаровонлик даражасининг ошиши уларнинг товар ва хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳам мазмунан, ҳам таркибан, ҳам миқдоран ўзгаришини тақозо этади. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш вилоятда юқори суръатлар билан ўсиб келмоқда. Шу жумладан, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшма таркибидаги корхоналарда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 3,4 баробардан ортиқроққа ошганлигини кузатишимиз мумкин.

**Тўқимачилик ва енгил саноатнинг Бухоро вилояти  
ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни<sup>7</sup>**

Кўрсаткичлар	Ўлч. бир-лиги	Йиллар							
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1. Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	3901,1	4693,1	5713,9	6384,4	7701,6	9115,3	10514	12296,2
РеспубликаЯҲМдаги улуши	%	6,3	6	5,8	5,3	5,3	5,3	5,3	4,8
2. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари	млрд. сўм	1674,8	2202,6	2457,8	3073,9	3972,6	5143,9	5569,6	6422,3
Республика саноат маҳсулотидаги улуши	%	4,4	4,6	4,3	4,4	4,7	5,3	5	4,3
Вилоят енгил саноат маҳсулотлари ҳажми	млрд. сўм	407,5	502,3	530,4	664,9	803,5	1172,6	1364,3	1439,8
Вилоят саноат маҳсулотидаги улуши	%	24,3	22,8	21,6	21,6	20,2	22,8	24,5	22,4
«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари	млрд. сўм	91,6	128,6	120,7	155,2	164,1	179,1	207,4	211,3
Енгил саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши	%	22,5	25,6	22,8	23,3	20,4	15,3	15,2	14,8
3. Халқ истеъмол товарлар ишлаб чиқариш миқдори	млрд. сўм	587,1	764,8	826,1	1126,9	1191,4	2292	2635,9	3112,1
-ундан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тарки- бидаги корхоналарнинг улуши,	млрд. сўм	11,5	18,9	17,6	21,3	27,5	34,2	57,7	197,8
Улуши	%	1,9	2,5	2,1	1,9	2,3	1,5	2,2	6,3
4. Вилоят экспорти миқдори	млн. долл	348,8	268,2	377,1	352,9	313,1	321,5	261,9	201,8
- ундан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тарки-бидаги корхоналарнинг улуши,	млн. долл	33,8	42,1	43,2	47,6	74,9	61,7	35	18,5
Улуши	%	9,7	15,7	11,5	13,5	23,9	19,2	13,4	9,2

<sup>7</sup> Бухоро вилоят Статистика бошқармаси ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда енгил саноат корхоналарида маркетингларга йўналтирилган мотивация усуллари ташкил этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги ва уларнинг маркетинглар меҳнат давомийлигига боғлиқлиги таҳлили амалга оширилди (1-расм). Ушбу расмдан кўришиб турибдики, бирон бир мотивация усули ташкил этувчи омиллар ўзаро зич боғланмаган. Руҳий-ғоявий мотивация усули ташкил этувчи омиллар моддий мотивация усули ташкил этувчи омиллар билан кучсиз боғлиқликни ( $r = 0,24$ ) ва маъмурий мотивация усули ташкил этувчи омиллар билан тескари кучсиз боғлиқликни ( $r = -0,21$ ) кўришимиз мумкин. Маркетингларни меҳнат фаолиятининг даври шахсий ва касбий ривожлантириш (карьера) мотивация усули ташкил этувчи омиллар билан регрессион боғлиқлик коэффициенти ( $\beta = 0,29$ ) га тенглигини кўришимиз мумкин. Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, корхоналарда маркетингларни меҳнат давомийлиги даврини орттиришда шахсий ва касбий ривожлантириш мотивация усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



**Изоҳ:** Мотивация 1- руҳий – ғоявий мотивация усули; Мотивация2-хулқ-атворли мотивация усули; Мотивация 3-моддий мотивация усули; Мотивация 4-шахсий ва касбий ривожлантириш мотивация усули (карьера); Мотивация5-маъмурий мотивация усули; МД- маркетингларнинг меҳнат давомийлиги;  $e_1$  – бошқа омиллар.


**1-расм. Енгил саноат корхоналарида маркетингларга қўлланиладиган мотивация усуллари ташкил этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион-регрессион боғлиқлиги ва уларни маркетингларнинг меҳнат давомийлигига боғлиқлиги модели<sup>8</sup>**

Воситачиларни мотивациялаш ҳолатини ўрганиш мақсадида анкета-сўровнома ишлаб чиқилиб, воситачиларнинг бу соҳадаги фикрлари, баҳолари ва таклифлари ўрганиб чиқилди.

Воситачиларга қўлланиладиган мотивация усуллари ташкил этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги ва уларни корхона ва воситачилар ўртасидаги ҳамкорлик фаолияти даврига боғлиқлиги таҳлилин кўриб ўтилди

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

(2-расм). Ушбу расмдан кўриниб турибдики, барча мотивация усулларини ташкил этувчи омиллар ўзаро заиф боғлиқликни намоён қилади. Хулқ-атворли ва коммуникацион ривожлантириш мотивация усулини ташкил этувчи омиллар билан молиявий мотивация усулини ташкил этувчи омиллар ( $r = 0,40$ ) ва сифатли хизмат кўрсатиш мотивация усулини ташкил этувчи омиллар ( $r = 0,37$ ) ўзаро кучсиз боғлиқликни кўришимиз мумкин. Молиявий мотивация усулини ташкил этувчи омиллар билан сифатли хизмат кўрсатиш мотивация усулини ташкил этувчи омиллар ўзаро кучсиз боғлиқликни намоён қилган ( $r = 0,31$ ). Воситачиларни ҳамкорлик фаолиятининг даврига сифатли хизмат кўрсатиш мотивация усулини ташкил қилувчи омилларнинг регрессион боғлиқлик коэффиценти ( $\beta = -0,09$ ), хулқ-атворли ва коммуникацион ривожлантириш мотивация усулини ташкил этувчи омилларнинг регрессион боғлиқлик коэффиценти ( $\beta = -0,12$ ), молиявий мотивация усулини ташкил этувчиларнинг регрессион боғлиқлик коэффиценти ( $\beta = 0,35$ ). Бундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, корхоналар воситачилар билан ҳамкорлик даврини узайтириш учун моддий мотивация усулларидан фойдаланиши лозим.



**Изоҳ:** В.Мотивация1 - хулқ-атворли ва коммуникацион ривожлантириш мотивация усули; В.Мотивация2- молиявий мотивация усули; В.Мотивация3- сифатли хизмат кўрсатиш мотивация усули; V1- воситачиларнинг корхоналар билан ҳамкорлик давомийлиги;  $e_1$  – бошқа омиллар.

**2-расм. Енгил саноат корхоналарда воситачиларга қўлланиладиган мотивация усулларини ташкил этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги ва уларни воситачиларнинг корхоналар билан ҳамкорлик давомийлигига боғлиқлиги модели<sup>9</sup>**


Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида олиб борилган сўровномалар натижалари мотивация усулларининг воситачилар томонидан баҳо берилади (3-расм). Хусусан, сўровнома натижаларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

корхоналар маркетинг фаолиятида молиявий мотивация усулидан фойдаланиш ҳолатини воситачилар қоникарсиз баҳолаганлар (2,31);

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

корхоналарда воситачиларга қўлланиладиган хулқ-атворли ва коммуникацион ривожлантириш мотивация усулидан фойдаланиш ҳолатини воситачилар томонидан қониқарли баҳоланган (2,89);

сифатли хизмат кўрсатиш мотивация усулидан фойдаланиш ҳолати қониқарли (3,09) баҳолаганлар, аммо ушбу мотивация усулларини ташкил этувчи айрим элементларида оқсоқликларга йўл қўйилмоқда.




**3-расм. Енгил саноат корхоналарда воситачиларга йўналтирилган мотивация усулларидан фойдаланиш ҳолати<sup>10</sup>**

Саноат корхоналарининг маркетинг фаолиятида воситачиларга йўналтирилган мотивация усулларидан фойдаланиш ҳолатига жиддий эътибор қаратмайдилар. Корхоналарда воситачилар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги тадбирларларни янада мукамал ишлаб чиқиш лозим. Саноат корхоналарда фақатгина сифатли хизмат кўрсатиш мотивация усули ташқари қолган гуруҳ мотивация усулларининг ҳолати кўнгилдагидай эмаслигига гувоҳ бўламиз.

Бухоро вилояти тўқимачилик ва енгил саноати корхоналарида истеъмолчиларни мотивациялашда қўлланилаётган мотивация усуллари ҳолати ўрганилди. Истеъмолчиларни мотивациялаш ҳолатини ўрганиш мақсадида анкета-сўровнома ишлаб чиқилиб, истеъмолчиларнинг бу соҳадаги фикрлари, баҳолари ва таклифлари ўрганиб чиқилди.

Енгил саноат маҳсулотлари истеъмолчилари ушбу товарларни ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари томонидан қўлланилаётган мотивация усулларига муносабатини кўрсатувчи сўровнома натижалари 4-расмда берилган.

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**4-расм. Енгил саноат корхоналарида истеъмолчиларга йўналтирилган мотивация усулларида фойдаланиш ҳолати<sup>11</sup>**

Илмий ва амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлган қуйидаги хулосаларни беради:

барча истеъмолчилар руҳий ва хулқ-атворли усулларида такомиллаштирилганлигини ижобий баҳолаган (3,3). Хулоса шундан иборатки, корхонада сотув билан шуғулланувчи ходимлар фаолиятини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини харидорлар қониқарли даражада баҳолаган;

истеъмолчилар ўз муносабатларида сотишни ташкил этиш усулига ҳам ижобий баҳолар беришган (3,05).


истеъмолчиларнинг қарор қабул қилишларида иштирок эттириш мотивация усулининг кам самара бераётганлигига (2,85) асосий сабаб, бу, вилоятда фаолият кўрсатаётган енгил саноати корхоналарининг ўз истеъмолчилари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатмаётганлиги бўлиб ҳисобланади;

истеъмолчиларни мотивациялашда иқтисодий мотивация усулининг самарадорлик даражаси энг паст баҳоланган (2,2). Бунинг биринчи ва ҳал қилувчи сабаби корхоналар томонидан истеъмолчиларни иқтисодий мотивация усули билан жалб қилиш, рағбатлантириш кўпроқ ва узоқроқ муддат харид қилишга ундаш чораларига кам аҳамият берилади, бундан ташқари ишлаб

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқилган кам сонли моддий рағбатлантириш чораларининг асосий қисми воситачилар томонидан ўзлаштириб олинмоқда.

Тадқиқотда енгил саноат корхоналарида истеъмолларга йўналтирилган мотивация усулларини ташкил этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги ва уларнинг истеъмолчилар харид давомийлигига боғлиқлиги таҳлили амалга оширилди (5-расм). Ушбу расмдан кўриниб турибдики, бирон бир мотивация усулини ташкил этувчи омиллар ўзаро зич боғланмаган. Рухий ва хулқ-атворли мотивация усулини ташкил этувчи омиллар иқтисодий мотивация усулини ташкил этувчи омиллар билан кучсиз боғлиқликни ( $r = 0,15$ ) ва сотишни ташкил этиш мотивация усулини ташкил этувчи омиллар билан тескари кучсиз боғлиқликни ( $r = -0,11$ ) кўришимиз мумкин.



**Изоҳ:** Мотивация 1- рухий ва хулқ-атворли мотивация усули; Мотивация 2-сотишни ташкил этиш мотивация усули; Мотивация3-қарор қабул қилишда иштирок эттириш мотивация усули; Мотивация 4-иқтисодий мотивация усули; Мотивация 5-коммуникацион ривожлантириш мотивация усули; Давомийлик- истеъмолчиларнинг харид давомийлиги; е – бошқа омиллар.

**5-расм. Енгил саноат корхоналарида истеъмолчиларга қўлланиладиган мотивация усулларини ташкил этувчи омилларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги ва уларни истеъмолчиларнинг харид давомийлигига боғлиқлиги модели<sup>12</sup>**

Истеъмолчиларни харид давомийлигига мотивация усулларининг боғлиқлик модели:

Харид давомийлик =  $0,03 + 0,01 * (\text{Мотивация1}) + 0,03 * (\text{Мотивация2}) - 0,15 * (\text{Мотивация3}) - 0,06 * (\text{Мотивация4}) + 0,07 * (\text{Мотивация5})$ . Бундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, истеъмолчилар кўпроқ маҳсулот сифати, дизайни, сотувчиларнинг муомала муносабатлари, маҳсулот ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, сотув жойларида яратилган қулайликларга кўпроқ эътибор қаратадилар.

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Сўровнома воситасида аниқланган истеъмолчиларнинг тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари томонидан қўллаётган мотивация усулларига муносабатидан шундай умумий хулоса қилиш мумкин:

енгил саноат корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчиларини кўпроқ ва узоқроқ харид қилиш ундаш ва рағбатлантириш чора - тадбирлари тўлиқ такомиллашмаган. Шу сабабли истеъмолчилар билан тўғридан-тўғри алоқаларнинг йўқлиги сабабли истеъмолчиларни рағбатлантириш чоралари беҳуда йўқолиб бормоқда.

Тадқиқотнинг «**Енгил саноат корхоналарининг маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида енгил саноат корхоналарнинг маркетинг фаолиятида мотивация усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган.

Муаллиф томонидан енгил саноат корхоналарда маҳсулот сотув ҳажмини ошириш учун маркетингларни моддий рағбатлантирувчи маркетингнинг асосий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

